Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 65 (5656).
19 МАРТ 1985 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ҚУТЛОВЛАР УЧУН · МИННАТДОРЧИЛИК

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари этиб сайланганлигим билан мени қўтлаган партия ва давлат органларига, жамоат ташкилотларига, меҳнат коллективларига, ишчилар, колхозчиларга, инженер ва техникларга, фан ва маданият арбоблари, ҳарбий хизматчиларга, революция, уруш ва меҳнат ветеранлари, барча ўртоқларга самимий миннатдорчилик изҳор этаман.

КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорлари муносабати билан шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари кўпдан кўп хатларда партиямиз сиёсатини амалга оширишда яна ҳам активроқ иштирок этишга, интизом ва тартибни мустаҳкамлашга, уюшқоқликни кучайтиришга, Ватан бахт-саодати йўлидаги меҳнатда юксак натижаларга эришишга азму қарор берганликларини билдираётганликлари жуда муҳимдир.

Менинг номимга табрикномалар йўллаган социалистик мамлакатларнинг, коммунистик ва ишчи партияларнинг, революцион-демократик ҳаракатларнинг раҳбарларидан, давлатлар ва ҳукуматларнинг бошлиқларидан, чет мамлакатлардаги сиёсат ва жамоат арбобларидан, ташкилотлар ва гражданлардан астойдил миннатдорман.

КПСС ленинчи Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси раҳбарликнинг коллективлиги ва сиёсатдаги давомийликнинг синалган принципларини амалга ошира бориб, олинган мурожаатномалар ва хатларда билдирилган эзгу истакларни оқлаш учун ҳамма ишни қиладилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Совет давлати мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, меҳнаткашларнинг турмушини янада яхшилаш, тинчликни мустаҳкамлаш ва халқлар ўртасида самарали ҳамкорлик йўлига бундан буён ҳам амал қилишга азму қарор берганликларини имкониятдан фойдаланиб, яна бир бор таъкидлайман.

М. ГОРБАЧЕВ.

Ватанига қайтаётиб

К. У. Черненкони дафн этиш маросимида қатнашиш учун Москвага келган:

Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСР Давлат Кенгашининг Раиси Чионг Тин бошчилигидаги Вьетнам Социалистик Республикаси;

Лаос Халқ революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ЛХДР Президенти Суфанувонг бошчилигидаги Лаос Халқ Демократик Республикаси;

Афғонистон Халқ демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси Бабрак Кармал бошчилигидаги Афғонистон Демократик Республикаси;

Кампучия Халқ революцион партиясининг Бош секретари, КХР Давлат Кенгашининг Раиси Хенг Самрин бошчилигидаги Кампучия Халқ Республикасининг партия-давлат делегациялари ватанларига қайтаётиб Тошкентда тўхтаб ўтдилар.

Тошкент аэропортида делегацияларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Т. Н. Осетров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар ва кузатиб қолдилар.

(ЎзТАГ).

КПСС XXVII съезди ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига

20 АПРЕЛЬ — ленинча коммунистик шанбалик

Меҳнат байрами чорлайди

Катта шижоат билан

Шу кунларда Тошкент тўқимачилик комбинати. нинг барча фабрикалари, заводлари ва хўжалик участкаларида ленинча коммунистик шанбаликни қизғин ва муваффақиятли ўтказиш юзасидан қатор тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Катта корхонанинг ишлаб чиқариш новаторлари шанбаликда амалга оширилиши лозим бўлган барча режаларга ўзларининг имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, қўшимча киритмоқдалар.

СССР Олий Совети депутати Каромат Ёқубова, Тошкент шаҳар Советининг депутати Евгения Губина, моҳир йигирувчи Инобат Каримова сингари меҳнат илғорлари шанбалик куни намуна кўрсатиш ва ишлаб чиқаришда пешқадамлик қилишга бел боғлаганлар. Бундан ташқари Қобилжон Ҳасанов, Сирожиддин Пўлатов бошлиқ бригадаларнинг коллективлари ҳам шанбалик куни салмоқли юмуш бажаришга бел боғлашган.

Корхона коллективи ўша куни 850 минг сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқаради. Бу 46 тонна калава, 4 юз минг метр хом сурп, 750 минг метр тайёр газлама, 100 минг дона ғалтак ип ва бошқалардир. Бутун коллективнинг ишлаган ҳақи беш йиллик фондига ўтказилади.

Комбинат корхоналарининг территорияси, барча ётоқхоналар, хўжалик бинолари атрофи тозаланади, ободонлаштирилади, манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтказилади.

Д. МАЖИДХЎЖАЕВА.

Қурувчиларнинг шанбалик программалари

Москваликларнинг доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 115 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш ташаббусини тошкентлик бунёдкорлар ҳам бир овоздан якдиллик билан қўллаб-қувватладилар. «Буюк почин» анъаналарига содиқ бўлган қурувчилар жойларда шанбаликка тараддудни кучайтириб юбордилар. Объектларда шанбаликни ўтказиш бўйича махсус штаблар тузилмоқда, қурувчилар шанбалик иш программаларини белгиламоқдалар.

ЗАРБДОР МЕҲНАТ БИЛАН

— Бу йилги объектларимиз хилма-хил,— дейди Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасининг 3-тресги бошқарувчиси Р. Қ. Ҳамбаров. — Поликлиника, туғруқхона, ҳажм-блокли завод, 5-қаватли уйсозлик комбинати, 97-АТС ва бошқалар шулар жумласидандир. Шанбалик куни бу объектларда зарбдорона меҳнат қиламиз. Жами ўз кучимиз билан 55 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади. Бу ўтган йилги шанбаликдагига нисбатан анча кўп, демакдир.

ЖАМҒАРМА ҲИСОБИГА

— Меҳнат байрамида тежалган қурилиш материаллари ҳисобига меҳнат қилишга аҳд қилдик, — деди мухбиримиз билан бўлган суҳбатда 1-уйсозлик комбинати 31-қурилиш бошқармасининг бригада бошлиғи Михаил Ошчепков. —Йилнинг ўтган вақти мобайнида анча-мунча нарса жамғаришга эришдик. Шанбаликдан тушган бир минг сўмлик маблағни эса Тинчлик фондига ўтказамиз.

ИШ КЎЛАМИ КЕНГ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг капитал ремонт ишлари бошқармасининг 9-ремонт-қурилиш бошқармасида штаб тузилди. Шанбаликда 3,3 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади. 500 метр ирригация шахобчалари тозаланади.

ФОНДГА ҲИССА

Республика транспорт қурилиш министрлигига қарашли 7-«Мостострой» трестининг 13-кўприк қурилиш отряди меҳнатчилари шанбаликка бир тан, бир жон бўлиб чиқишга аҳд қилишди.

Кўприксозлар «Қизил шанбалик»да 30 минг сўмлик капитал маблағни ўзлаштиришга йўл ҳиссасини қўшиш ва КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга азму қарор қилдилар.

ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛИ КОЛЛЕКТИВЛАРДА

Суръатни бўшаштирмай

Тошкент абразив комбинати коллективи республика социалистик мусобақасида эришган юксак натижаларни, 1984 йилги Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планини муваффақиятли бажаришга қўшган ҳиссаси учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланган эди. Ўтган йили комбинат коллективи фидокорона меҳнат қилди. Реализация қилиш плани 436 минг сўмга оширибгина бажарилди. Меҳнат унумдорлиги 5,7 процент ошди.

Комбинат коллективи беш йилликнинг якунловчи йилида ҳам фидокорона меҳнат қилмоқда. Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги йилларида қозонган Буюк Ғалабасининг 40 йиллиги шарафига зарбдор вахтада турибгина ишлаётган комбинат ишчилари январь — февраль ойларида реализация планига қўшимча равишда 27 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришди.

Т. КАРИМОВ.

СУРАТЛАРДА: илғор ишчи В. Медельникова; инженер - конструктор Т. Файзиев ва катта инженер - конструктор А. Ортиқов янги лойиҳани муҳокама қилишмоқда; меҳнат ветерани М. Сулаймонов комбинатда 40 йилдан бери меҳнат қилиб келади.

Автор фотоси.

Ўзбек ёзувчисига юксак мукофот топширилди

Ўзбекистоннинг таниқли ёзувчиси ва жамоат арбоби Назир Сафаров 80 ёшга тўлди. Унинг қалами қарийб 60 йилдан буён партия ва халқ ишига хизмат қилмоқда. Улуғ Ватан уруши йилларида ҳарбий мухбир бўлган Назир Сафаров Ватан озодлигини ҳимоя қилган, келажак авлодлар учун она ерни сақлаб қолган совет кишиси жасоратининг улуғворлиги мавзуини ҳозир ҳам давом эттирмоқда.

Унинг Туркистон ўлкасидаги революцион воқеалар тўғрисидаги, янги ҳаёт бунёдкорлари ҳақидаги «Шарқ тонги» пьесаси, «Кўрган кечирганларим», «Наврўз» романлари ўзбек совет адабиёти хазинасидан ўрин олди.

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Назир Сафаров совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун Ленин ордени билан мукофотланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев 18 март куни ёзувчига Ватаннинг юксак мукофотини топширди. У юбилярни самимий табриклаб, сиҳат-саломатлик, янги ижодий муваффақиятлар тилади.

Мукофот топшириш вақтида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, И. Г. Анисимкин ҳозир бўлдилар. **(ЎзТАГ).**

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

Жанубий-шарқий Осиё мамлакатларига расмий визит билан жўнаб кетаётган Монголия Халқ Республикаси ташқи ишлар министри Мангалин Дугэрсурэн Тошкентда тўхталиб ўтди.

М. Дугэрсурэн Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрди, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров 18 март куни М. Дугэрсурэнни қабул қилди.

(ЎзТАГ).

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИ — АМАЛДА

«Интерэлектро»нинг Тошкентдаги мажлиси

Электроника соҳасида иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик қилувчи халқаро ташкилот — «Интерэлектро»нинг тўққизинчи иш группаси тобора ихтисослашув ва кооперациялаш масалаларини муҳокама қилади. 18 март куни Тошкентда шу группанинг навбатдаги мажлиси очилди. Мажлисда Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Руминия, Совет Иттифоқи, Чехословакия, Югославия ва Куба мутахассислари иштирок этмоқдалар.

— Ўзгарткич техникани яратиш ва ишлаб чиқариш соҳасида ҳамкорлик қилишимизнинг йўналишларидан биридир, — деди ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда иш группасининг раиси Ю. Захаров. —Кўп томонлама ҳамкорлик жараёнида кучли диодлар, транзисторлар, тиристорлар ишлаб чиқилди, буларни «Интерэлектро»да қатнашувчи мамлакатлар кооперация асосида тайёрламоқда. Ўзгарувчан ток билан юрадиган электровозларда, метрополитенларни ток билан таъминловчи агрегатларда, прокат станларининг электр симларида, енгил машиналарнинг аккумуляторларини зарядлашда ва экономиканинг бошқа тармоқларида ана шу диодлар, транзисторлар, тиристорлардан кенг кўламда фойдаланилмоқда.

Тошкентдаги мажлисда янги универсал приборлар, электр приводлар ва энергия ўзгарткичлари ясаш, ишлаб чиқариш ҳамда уларни савдо йўли билан айирбошлашни чуқурлаштириш ва шу соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш йўллари кўриб чиқилади. Бу ерда шу ишнинг ўтган даврдаги якунлари чиқарилади, шунингдек 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган программа белгиланади.

ФЕСТИВАЛГА БАҒИШЛАБ

Тошкентда студент ва ўқувчи ёшлар бадиий ижодкорлиги республика фестивали тугади. Фестиваль ёшларнинг Москвада бўладиган XII жаҳон анжуманига ва Ўзбекистон комсомолининг 60 йиллигига бағишланди.

Уч кун давомида Тошкент олий ўқув юртларида куй ва қўшиқлар янграб турди, республика барча областлари ва Қорақалпоғистондан 525 ҳаваскор артист ва 58 та коллектив ўз санъатини намойиш қилди.

Феликс Родригес шеърига ёзилган «Қаҳрамон партизан ҳақида кантата» мардлик ва жасорат, халқнинг ёрқин ideалларига ва бахт-саодати йўлида хизмат қилиш гимни бўлиб янгради. Кантатани А. Н. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомчилик институтининг студенти Нодира Зиёхонова жўшқин ва эҳтирос билан ижро этди. Шу асар музикасининг муаллифи Нодира яна М. Каримнинг «Сурункасига уч кун» ва Қ. Қулиевнинг «Шопен музикасини ижро этишмоқда» шеърларига ҳам куй басталади. Нодирага сиёсий қўшиқлар конкурсида бир овоздан биринчи ўрин берилди.

Фестиваль еттита жанр бўйича ўтказилди. Наманган маданий-оқартув техникумининг «Орзу» ансамбли халқ куйларини ижро этувчилар орасида ғолиб, деб топилди. Театр ва рассомчилик институтининг студенти Ғавҳар Тожибоева совет ва халқ қўшиқлари бўлимида энг кўп овоз олди. Марғилон педагогика билим юрти қизларининг «Дугоналар» ансамбли қўшиқ ва рақс ансамблари конкурсида биринчи ўринни олишга сазовор бўлди. В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети хор капелласининг юксак ижрочилик маҳорати уни хор коллективлари орасида биринчи ўринга олиб чиқди. ТошДУнинг «Маятник» театр студияси ёшлар театрлари ижодий конкурсида энг қизиқарли программани намойиш қилди.

Вокал-чолғу ансамбллари конкурсида эса бирданига учта ансамбль: Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг «Гулдаста», Қарши педагогика институтининг «Осиё» ва ТошДУнинг «Контраст» ансамбли шоҳсупанинг биринчи поғонасига кўтарилдилар.

Фестиваль ғолиблари Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва республика Маданият министрлигининг дипломлари билан тақдирланди. Фестиваль лауреатларининг концертлари ёш талантлар кўригининг якунловчи таронаси бўлди. Концертлардан тушган барча маблағ Ёшлар ва студентларнинг XII жаҳон фестивали фондига ўтказилди.

(ЎзТАГ).

Илм масканларида

Институтга байроқ топширилди

Кеча Халқлар дўстлиги орденли Тошкент халқ хўжалиги институтига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзларининг республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилишига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Коллектив бу мукофотга республика социалистик мусобақасида юқори кўрсаткичларга эришганлиги, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширганлиги ҳамда иқтисодий ва социал ривожлантириш бўйича 1984 йилги давлат планларини муваффақиятли бажарганлиги учун сазовор бўлди.

Йиғилишда сўзга чиққан институт ректори М. Ш. Шариповжаев, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси В. В. Ким ва бошқалар институт коллективи иқтисодчи кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшаётганлигини таъкидлашди. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида бу илм масканида 2486 матахассис тайёрланди. Ҳозир улар республикамизнинг турли районларида муваффақиятли иш олиб боришмоқда.

Институтда фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлашга катта эътибор берилмоқда. Бу ерда ижодий бригадалар муваффақиятли иш олиб боряпти. Улар илмий-техника тараққиётини янада жадаллаштириш, хўжалик механизмини такомиллаштириш бўйича ишларни комплекс равишда ва қисқа муддатларда бажариш имконини беради. Фақат 26 мавзу бўйича тайёрланган тавсияларнинг жорий этилиши бир йилда 700 минг сўмлик иқтисодий самара беради.

Мукофотдан руҳланган институт коллективи ўқув-тарбия ва илмий-тадқиқот ишларини яхшилашда янги ютуқларга эришиш, беш йилликнинг якунловчи йили топшириқларини амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшиш ва КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга азму қарор қилди.

Институтга байроқни республика Олий ва ўрта махсус таълим министри С. П. Пўлатов топширди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИДА

«ФАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШҒА-85»

Ўзбекистоннинг бош виставкаси тематик павильонида «Фан — ишлаб чиқаришга — 85» анъанавий соҳалараро тематик кўргазмаси очилди.

Уни республика Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот ва лойиҳа-қидирув институтлари, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими, соғлиқни сақлаш, қурилиш ва бошқа ташкилотлар уюштирганлар.

Республика олимлари ва тадқиқотчилари ишлаб чиқаришда синовдан ўтаётган ва тадбиқ этишга тавсия этилган бир неча юзлаб қизиқарли ечимлар, янгиликларни намойиш қилмоқдалар. Зиёратчилар тематик кўргазма қошида очилган ахборот марказида ҳар бир экспонат ҳақида, унинг афзалликлари ва иқтисодий самараси тўғрисида батафсил маълумот оладилар.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

«Компрессор» заводининг коллективи совет тинчлиқни ҳимоя қилиш комитети фондига 1500 сўм пул ўтказди. Корхона коллективи Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб шанбалик ўтказди ва унда 12 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди.

●

«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида Бутуниттифоқ заводлараро илғор тажриба мактаби бўлиб ўтди. У соҳа корхоналарида қаттиқ қопламалар билан жиҳозланган илғор асбобларни яратиш ва қўллаш масалаларига бағишланди. Тажриба мактабининг қатнашчилар Тошкент трактор, асбозсозлик заводларида иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

●

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида Тошкент шаҳар либослар моделчилари, сартарошлар, суратчиларнинг конкурси бўлиб ўтди. Бу ерда намойиш этилган мингдаб экспонатлар томошабинлар диққатини жалб этди.

●

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий асбобсозлик бўйича Марказий лойиҳа-конструкторлик бюроси коллективи шу йилнинг май ойида Югославиянинг Риека шаҳрида намойиш этиладиган халқаро илмий-техника кўргазмаси учун экспонатлар тайёрлади. «Совет ихтиродари» бўлимида Тошкентда тайёрланган «Кристалл-3» махсус станоги намойиш этилади. Конструкторлик бюросида тайёрланган бу такомиллашган прибор ўтган йили Берлинда бўлиб ўтган кўргазмада ҳам муваффақият қозонган эди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника институти ҳам бу кўргазмага «Самарқанд» номли балзамин юборишга тайёрлади. Республикамизда ва мамлакатимизда шуҳрат қозонаётган бу ичимлик институт лабораториясида К. Ҳ. Ҳожиматова раҳбарлигида тайёрланган.

●

Ҳамза районида мураккаб маиший техника ремонти бўйича янги устахонада техника воситаларини монтаж қилиниши бошланди. Бу ерда бирлашманинг махсус филиали жойлашади. Устахонада холодильниклар, кир ювиш ва тикув машиналари, пилесослар ва бошқа электр рўзғор асбоблари ремонт қилинади.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 14 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 5-7, эртага кундузи 19-21 даража иссиқ бўлади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТАЛАРИ РЕДАКЦИЯСИ ҚОШИДАГИ УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИГА ҚЎМАҚЛАШУВЧИ ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИ.

ВЕТЕРАН

УРУШ ВА МЕҲНАТ ВЕТЕРАНЛАРИГА ҚЎМАҚЛАШУВЧИ ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИНИНГ РАИСИ — ЎЗБЕКИСТОН ССР СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ МИНИСТРИ ХОСИЯТ ЕҚУБОВНА ЕҚУБЖОНОВА.

№ 3 (29)

Жангда синалган— элда азиз

●

Инсон ҳусни меҳнатда

●

Ижроия комитет қарор қабул қилди

●

Ветеранларга ғамхўр бўлайлик

Маорифимиз жонкуярлари

УЛУҒ ТИЛГА МУҲАББАТ

Бугунги кунда рус тилига бўлган ҳурмат ҳар қачонгидан ошиб бормоқда. Айниқса, ўзбек мактабларида рус тилини ўрганиш борасида бир қатор ибратли ишлар олиб борилаяпти. Ўқув даргоҳларида ҳафтанинг бир кунида фақат рус тилида сўзлашилиб, улуғ тилни янада чуқурроқ ўрганиш чоралари кўрилаяпти.

Ўқувчилардаги рус тилига бўлган қизиқишни янада оширишда педагоглар қўшаётган ҳисса, айниқса салмоқлидир. Мана 23 йилдирки, Ольга Григорьевна Петренко рус тили ва адабиёти фанидан дарс бериб келади. 1974 йилдан бери эса у шаҳардаги 200-мактаб ўқувчиларига улуғ рус тилидан сабоқ бермоқда. Ўтган йиллар давомида тажрибали, ўз ишини пухта эгаллаган педагог қўлида кўплаб ёшлар рус тилини мукаммал эгаллаб, ҳаётга йилланма олишди. Улар бугунги кунда ўз устозларидан бир умр миннатдордирлар.

Ҳозирги вақтда Ольга Петренко ўқитаётган синфлардаги ўқувчиларнинг аксарият қисми фанни пухта эгаллаб, фақат «4» ва «5» баҳоларга ўқишга ҳаракат қилишади.

Мана бир неча йилдирки, методист-ўқитувчи «Рус тили дарсларида интернационал тарбия» муаммоси устида ишлаб, бу борада бир қатор ютуқларни қўлга киритди. У ҳар бир дарсни эсда қоларли ўтказиш, кўргазмали қуроллар асосида ўқувчилар билимини янада бойитиш учун бор билим ва маҳоратини ишга солади. У мактабда ташкил этилган «Рус совет поэзияси» тўгарагини бошқариб, ўз атрофига кўплаб ёшларни тўплаган. Тўгарак машғулотларида совет шоирларининг шеърлари муҳокама қилиниб, улар ёд олинади. Шунингдек, тажрибали педагог мунтазам рус тили ўқитувчиларининг методик бирлашмаларида докладлар билан чиқиб, ҳамкасблари билан шахсий тажрибалари, ўзини қизиқтирган масалалар бўйича фикр алмашиб туради. Айниқса ёш педагоглар мураббий О. Петренконинг диққат-марказида. Ҳар бир ёш ўз устозига меҳр билан мурожаат қилади. Шу билан бирга ўз вақтида қониқарли жавоб олади.

Тажрибали педагог жамоат ишларида ҳам актив иштирок этиб келмоқда. Мана бир неча йилдирки, Ольга Григорьевна республика рус тили ва адабиёти педагогика институтида штатсиз методист сифатида бўлажак ўқитувчиларга ўз тажрибаларини ўргатмоқда. Улар билан мунтазам амалий машғулотлар ўтказиб келади. Студентларни қизиқтирган саволларни биргаликда ечишга ҳаракат қилади.

И. УСМОНОВ.

СУРАТДА: О. Петренко ўз талабалари орасида.

В. Бектуганов фотоси.

«Ветеран»нинг справкалар бюроси

М. ҚОСИМОВ. Ишчи ва хизматчиларга йиллик отпуска берилиши тартиби қандай? Чунончи, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари отпускани ўзлари хоҳлаган пайтда олишлари мумкинми?

ЖАВОБ: Ишчи ва хизматчиларга иш йилида бир марта отпуска берилади. Иш йили календарь йилига мувофиқ келмайди, чунки ходимнинг ушбу корхонага ишга кирган санага боғлиқ бўлади. Биринчи отпуска шу корхонада 11 ой узлуксиз ишлагандан кейин берилади. Ходимнинг илтимосига кўра қуйидаги ҳолларда 11 ой ўтмасдан отпуска берилади: аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш отпускаси олдидан ёки бевосита ундан кейин; 18 ёшга тўлмаган ишчи ва хизматчиларга; запасга бўшатилган ва ташкилий равишда ишга юборилган ҳарбий хизматчиларга 3 ой ишлагандан кейин ва бошқа қонунчиликда кўзда тутилган ҳоллар да.

Иккинчи ва шундан кейинги иш йиллари учун отпуска график асосида йилнинг ҳар қандай пайтида берилиши мумкин. Графиклар корхона маъмурияти томонидан касаба союз комитети билан келишилиб белгиланади. Уни тузишда, отпуска бериш вақти, навбати, тартибини белгилашда ушбу корхонада ишлаб чиқаришнинг ўз хусусиятлари ҳисобга олинади. Бунда отпускага чиқиш кунлари ҳар ойнинг фақат биринчи ёки ўн бешинчи числосигагина тўғриланмаслиги керак. Имкони борича бутун ой давомида бир текис тақсимланмоғи лозим.

Маъмурият қуйидагиларга отпускани ёз пайтида бермоғи лозим: 18 ёшга тўлмаган ишчи ва хизматчиларга; мактабларнинг ўқитувчиларига, техникумлар ва олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилар составига; икки ва ундан ортиқ 12 ёшгача болаларни бўлган ишлаётган аёлларга.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига йиллик отпускадан ўзларига қулай пайтда фойдаланиш ҳуқуқи берилади. Шунингдек, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари бир йилда икки ҳафтагача муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда қўшимча отпуска олиш ҳуқуқига эгалар. Бу отпуска ходимнинг хоҳишига қараб асосий отпускага қўшиб берилиши ёки йилнинг бошқа пайтида берилиши мумкин.

● Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги олдидан

МАРДЛАРНИНГ БИРИ

Шу кунларда барча совет кишилари Улуғ Ғалабанинг 40 йиллигига зўр тайёргарлик кўряптилар. Барча ташкилотлар, ўқув юртларининг коллективлари каби маҳалла комитетлари ҳам байрамга тайёргарликни авж олдиришяпти.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов районидаги «Октябрь 40 йиллиги» маҳалла комитети ҳам алоҳида тайёргарлик олиб боряпти. Комитет активларининг ёрдамида уруш даврида маҳалламиздан қанча киши фронтга боргани, шунингдек ҳозир ҳаёт бўлган фронтчилар аниқланиб, улар билан суҳбатлар ўтказилмоқда. Маълумотларга кўра маҳалламиздан беш юзга яқин киши фронтга сафарбар этилган экан. Булардан фақат бир юз саксон тўрт киши қайтиб келган. Булар орасида икки оёғидан, бир қўлидан, кўзидан ажраган, оғир ярадор бўлганлар бор, шу кунларда ҳаёт бўлганлари эса 52 киши. Фронтчилар орасида жанг майдонида мардлик кўрсатиб, ҳукуматимизнинг юксак мукофотларига — орден ва медалларига сазовар бўлган кишилар бор.

Мен яқинда маҳалламизда истиқомат қилувчи Тошпўлат ака Раҳматовнинг фронтга оид ҳужжатлари билан танишиб, жанг майдонида кўрсатган жасоратларига қойил қолдим.

... Улуғ Ватан уруши бошланганда Тошпўлат 19 ёшда эди. Дўстлари бирин-кетин армия сафига чақирилгач, у ҳам қараб туролмади. Кўнгиллилар қаторида район ҳарбий комиссарлигига бориб, фронтга жўнатишларини сўраб ариза берди. Ниҳоят, илтимоси қондирилди. Армия сафида қисқа тайёргарликдан сўнг, фронтга жўнатилди. У дастлаб Донда, кейин 1—Белоруссия фронтида, сўнгра 4—Украина фронтида жанг қилди. У жанг майдонида чиниқиб, моҳир тўпчи бўлиб етишди. Шундан сўнг уни қирувчи тўпчилар бўлинмасига командир қилиб тайинлашди. Маълумки, урушда тўпчилар душман кучини қирқишда асосий роль ўйнашади. Чунки бошқа жангчилар уларнинг зарбасига таянib, ҳужумга ўтадилар.

— 1943 йилнинг баҳори эди, —дейди Тошпўлат ака жанг хотираларини эслаб, —Украинанинг Изюм шаҳри ёнида душманнинг юзлаб танклари биз томон ўрмалаб келаётганини маълум бўлди. Қўмондонлик шу танкларни қандай қилиб бўлмасин, яксон қилиш ҳақида топшириқ берди. Зудлик билан жангчиларимиз тўпларини душман танкларига қаратдилар. Эрта тонгда қаттиқ жанг бошланди. Мерган тўпчиларимизнинг бехато нишонга уришлари натижасида фашистларнинг ўнлаб танклари аланга гирдобида қолди. Душман юзлаб минамёт, пулемёт ва бошқа қуролларини қолдириб, жуфтакни ростлаб қочишга мажбур бўлди.

Ниҳоят, оғир жанглардан сўнг шу куни Изюм шаҳри газандалардан озод қилинди. Орадан бир кун ўтгач, бир неча қуролдошларим қатори мен ҳам Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланганлигим ҳақида қўмондонликдан буйруқ келди. Шундан сўнг тўпчиларимиз ҳаракатдаги армия қўшинлари билан бирга Польша тупроғи томон йўл олди. Бу ерларда ҳам душман билан қаттиқ жанг қилишга тўғри келди. Айниқса, Лодзь шаҳри учун бўлган жангда кўпгина талафот беришга тўғри келди. Аммо катта тажрибага эга бўлган довюрак тўпчиларимиз, душманнинг қаршилигини синдириб, орқадан келаётган қўшинларимизга хавфсиз йўл ҳозирладилар. Лодзь шаҳри ярим тунда озод қилинди. Кўрсатган жасоратимиз учун бўлинмамизнинг бир неча тўпчилари ҳукуматимиз орден ва медаллари билан тақдирландилар. Мен ҳам Қизил Байроқ ордени билан мукофотландим.

Ҳа, Тошпўлат аканинг кўксини безаб турган ҳар бир орден ва медаль ана шундай оғир жанглардаги жасорат ва мардликнинг белгисидир.

Т. Раҳматов ғалабадан сўнг Тошкентга қайтгач, 40 йилдирки, ўт ўчириш командасида группа командири вазифасини шараф билан бажариб келмоқда. Улуғ Ватан урушининг ветерани маҳалламизда актив жамоатчилардан ҳисобланади. У ободончилик ишларида, тўй-маросимларида бошқош бўлиб, эл хизматидан меҳнатини аямайди. Шу туфайли ҳам маҳалла аҳли унинг ҳурмат-иззатини ўрнига қўяди.

Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ.

● «Ветеран» почтасидан

Сарсон қилишяпти

Чилонзор районидаги 81-алоқа бўлимидагилар пенсионерларни ҳафа қилишяпти. Пенсия пулини ўз вақтида олиб келишмасди. Шу сабабли мен пулни почтага бориб оладиган бўлдим. Лекин энди сарсон қилишяпти. Масалан, 2 февраль куни почтага чиқсам «пул йўқ» дейишди. Шундан сўнг район алоқа узелига шикоят қилганимдан кейингина бироз юмшагандай бўлишди.

Лекин эртаси куни рафиқам (у ҳам пенсионер) пенсия олишга чиқди. Унга «Сени турмуш ўртоғинг, бизни устимиздан шикоят қилди, энди сен шикоят қил» деб пенсиясини беришмади. Муҳамаджонова фамилияли почта ходими қачонгача биз пенсионерларга кўпол муомалада бўлиб, сарсон қилаверар экан!

Қ. ДЎСМАТОВ,
пенсионер.
М. Бобоев кўчаси, 13-уйда яшовчи.

ЛУҚМА

«13» ДАН ҚЎРҚАСИЗМИ?

«13» омадсиз рақам дейишса ишонмасдим. Ростга ўхшайди. Чунки 13-размерли калишни ҳеч қайси магазинидан топа олмаяпман. Магазинчилар омадсиз рақамли калишни пештахтага чиқаришга «қўрқишади» экан.

Яқинда калиш қидириб, Чорсудаги ГУМнинг энг тепа қаватигача чиқиб кетибман. Бир ўзимга ўхшаган харидор дардимни эшитиб, пастга ишора қилди ва: «Ҳов, одамлар уймалашаётган жойга — чайқовга боринг. Калиш ўша ерда бўлади» деди. Шунда унга: «Қайси бирн магазин!» деб бехосдан савол бердим. У эса елка қисди. Қизиқ, бу саволга савдо ходимлари қандай жавоб беришаркин!

И. ИСМОИЛОВ,
меҳнат ветерани.

● ГАЗЕТАДА КЎТАРИЛГАН МАВЗУГА ЯНА ҚАЙТИБ

БИР «ЖИГУЛИ» АТРОФИДАГИ САНСАЛОРЛИК

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Улуғ Ватан уруши қатнашчиси хусусий фойдаланиши учун шахсан автомашина ажратилиши ҳақида биринчи марта қарор қабул қиляпти. Бу урушнинг оғир қийинчиликларини елкасида кўтарган ва ҳозир партия ва ҳукуматимизнинг қарорларига биноан энг кўп эътибор ва ғамхўрликка лойиқ бўлган кишиларга муносабат масаласи ғоят муҳимлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети томонидан масала ҳал этилди — И. А. Конновга у хоҳлаган моделдаги «Жигули» машинаси ажратилди. Лекин масаланинг маънавий томонига тўхталиб ўтишни истаймиз. Чунки редакцияга келаётган кўпгина хат-хабарлар шуни кўрсатадики, жойларда собиқ фронтчиларга берилган имтиёзлар билан ҳамиша ҳам ҳисоблашавермайди, уларнинг қонуний ҳуқуқларини камситиш ҳоллари бўляпти.

... Пенсионер, жанговар орденлар кавалери, милиция ветерани, «Тошкент» станциясидаги милиция линия бўлими бошлиғининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб 30 йил ишлаган И. А. Коннов шу йил февралда «Жигули» масаласида иккинчи хат билан редакцияга мурожаат этди. «Ҳатто газета мақоласидан кейин,— деб ёзган эди у, — ўзгариш бўлмади. Тўрт йилдан ортиқ ялиниб юрдим. Энди харид этиш ниятидан кечмоқчиман — соғлиғим яхши эмас, асаб ҳам бардош бермаяпти. Юракда аччиқ алам қолди. Шундай бўлиши мумкинлигига ишонгим ҳам келмайди...»

Гов ортидаги «Жигули» масаласи мана беш йилдан бери чўзиляпти, редакция бу ишга аралашганига ярим йил бўлди. Бу кишини ғазаблантирадиган сансалорликдир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида В. И. Ленининг ҳақиқатни тўғридан тўғри, дипломатлик қилмай, бачкана умидларсиз юзга айтиш керак, деган сўзлари келтириб ўтилган эди. Ҳақиқатдаги воқеа қуйидагича бўлган эди.

... Иван Андреевич Коннов икки ўғилни вояга етказди. Тўнғичи Виктор В. И. Ленин номли олий умумқўшин командирлари билим юртини битирди. Ҳамшаҳримиз В. Коннов ватанпарварлик ва интернационал бурчини адо этиш пайтида ҳарбий қасамёдга содиқ мардларча ҳалок бўлганида ҳали 30 ёшга тўлмаган эди.

У отаси билан биргаликда «Жигули» харид этишни орзу қиларди. «Энди машина олсам, — ўйлади Иван Андреевич, — у менга ўғлимдан ёдгорлик бўлиб қолади. Бунинг устига, дала ҳовлига бориб турши учун машина керак. Жамоат транспортида қатнаш анча қийин. Фронтда ўқ еган оёқ тез-тез безовта қилади. Баҳоланки, уни ўз вақтида госпиталда яхши даволашган, сақлаб қолишган эди...»

Иван Андреевич «Жигули»ни харид этиш қийин эмас, унинг ва ўғлининг Ватан олдидаги хизматлари ҳисобга олинади деб ўйлаганди. Ахир, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига имтиёзлар ҳақида қанча-қанча гапирилади ва ёзилади. Амалда сансалорлик рўй берди.

Ҳамза район ижроия комитетида, аҳолига автомашиналарни тақсимлаш билан шуғулланувчи бўлимда унга айтишдики, у темир йўл милициясининг собиқ ходими бўлгани ва у ердан пенсияга чиққани учун бу ҳақда транспорт милицияси ғамхўрлик кўрсатиши керак. У ерда эса унинг эҳтиёжига ҳеч ким қулоқ солмади. Кучга тўлган ёшда бўлганида бошқа гап эди... Пенсионер бўлса, бунинг устига 9 йилдан бери ишламаса. Милиция линия бўлимида эса ҳаракатингни ўзинг қил дегандек, Ленин райижрокоми номига тавсиянома ёзиб қўлига тутқазишди. У бу қоғозни ижроия комитетига уч йилча бурун олиб борди, улар тортмага ташлаб қўйишди.

Вақт ўтиб борарди. Тошкент транспортдаги ички ишлар бошқармаси маиший комиссиясидагилар И. А. Конновга тавсиянома билан тўғри Ўрта Осиё темир йўл бошқармасига чиқишни маслаҳат беришди. Автомашиналарнинг ажратилган фондини ўз темир йўл бўлинмалари, шунингдек транспорт милициясига шу бошқарма тақсимлайди. Иван Андреевич йўл бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари В. Желтоуховга ва «Дорпрофсож»нинг собиқ раиси Ф. Хошимхўжаевга учрашди. Улар ўзларини четга олишди. Айтишдики, Ўрта Осиё транспорт милицияси бошқармасига 1984 йилда иккита автомобиль ажратилади, биттаси уники бўлади. Айни пайтда улар буни ҳеч қандай ҳужжат билан расмийлаштиришмади, айтишдики, Темир йўл транспорти министрлиги ва темир йўл транспорти ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг кўрсатмасига биноан машиналар шахсан тақсимланмайди. Ўрта Осиё транспорт милицияси бошқармасида ҳам ўзларини четга олишди ва ветеранинг муаммосини ҳал этишмади. Ҳолбуки, у бу ҳақда бошқарма бошлиғи, милиция полковниги Ҳ. Солиҳовдан ўтиниб илтимос қилди. Машиналардан бири ёш ходим — лейтенант М. Егизбековга берилди, иккинчиси эса Тошкент станциясидаги милиция линия бўлимининг уй-жой-маиший комиссиясига тақсимлаш учун берилди. Сиртдан ҳамма нарса И. Конновнинг фойдасига ҳал этилаётгандек эди. Ҳатто партбюро секретари Л. Дорошенко унга қўнғироқ қилди: «Иван Андреевич, «Жигули»га ҳужжатларни расмийлаштиришга келинг». Лекин уни навбатда турган кишига беришди. Чунки пенсионернинг, уруш ветеранининг фамилияси машинага навбатда турувчилар рўйхатига ёзиб қўйилмаган эди. Бўлим бошлиғи Ғ. Исроилов машинани бошқа жойдан сўрашни маслаҳат берди.

Иван Андреевич «Жигули» атрофида тикланган ғовни пенсиядаги киши ўз кучи билан забт эта олмаслигини тушуниб етди. Тоқати тоқ бўлгач, сўнгги имкониятни синаб кўришга — редакцияга мурожаат этишга қарор қилди. Унинг обрўси ва жамоат фикри айрим раҳбар ходимларга таъсир кўрсатишга умид қилганди.

Редакция уруш ветеранлари Совет комитетининг Тошкент секцияси билан биргаликда И. А. Конновнинг шикоятини текширди. Шу текшириш материаллари асосида ўтган йил 16 октябрда «Лоқайдлик тўсиғи ортида» рубрикаси остида «Ветеран ва «Жигули» мақоласи босилган эди. Бироқ, матбуот сўзи тўсиққа таъсир этмади. Линия бўлими партия бюроси Улуғ Ватан уруши қатнашчиси И. А. Конновнинг илтимосига коллективнинг эътиборсизлиги тўғрисидаги газета мақоласини тан олди. Унинг фамилияси (ниҳоят!) автомашина олиш учун навбатда турганлар рўйхатига ёзиб қўйилди. Қуйидаги қўшимчани ҳисобга олмаганда ҳаммаси жойида эди: «Мақола муҳокамаси пайтида айрим коммунистлар И. А. Конновнинг нокамтарлигини кўрсатиб ўтишди. У 1976 йилда партбюро ва маиший комиссия қарори билан «Москвич» автомашинаси олган эди».

Ушбу қўшимча билан софдил кишига доғ туширишга умид қилинган эди. Биз, шунингдек, биздан кўра яхшироқ партбюро Коннов ўша «Москвич»дан воз кечганини биларди. Бинобарин, унинг «Москвич»га қандай алоқаси бор ва бу ҳақда редакцияга ёзишнинг нима кераги бор эди? Редакция Л. Дорошенконинг субутсиз жавоби бўйича ўтган йил 27 декабрда «Ветеран ва «Жигули» сарлавҳаси остида жиддий шарҳ берди. Шарҳда линия бўлими коммунистлари ва раҳбарлари уруш ветеранига нисбатан принципсизларча позиция тутганликлари ҳақида фикр билдирилганди. Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси ва темир йўл транспорти ходимлари касаба союзи йўл комитетида ўзларини ҳақ деб ўйлашган шекилли, газета мақоласига умуман парво қилишмади. Расман ҳақдирлар, лекин масаланинг маънавий, инсонийлик томонини назар-писанд этишмади. Уруш қатнашчиси, транспорт милициясининг собиқ ходими билан боғлиқ масалада кўриб турибсизки, унинг барча хизматлари учун шахсан машина ажратиш истисно тариқасида ҳам асло мумкин бўлмаган. Темир йўл министрлиги ва темир йўл транспорти ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўрсатмалари қани энди ҳамиша ҳам шундай бекамu-кўст бажарилганида эди?! 1980 йилда Тошкент шаҳар партия комитети томонидан йўл бошқармасида Темир йўллар министрлиги транспортчилар учун ажратган «ГАЗ — 24» автомашиналарини шахсий фойдаланиш учун тақсимлашдаги қаллобликлар очиб ташланган эди. Мана, яқиндагина Ўрта Осиё транспорт прокуратураси «Райпрофсож»нинг собиқ раиси Курбонов хусусидаги ишни халқ судига оширди. У автомашиналарни тақсимлашда ширинкома олар эди. Масалан «Волга» учун бирнеча минг сўм «доғи»ни бериш керак бўлган. Нима учун йўл бошқармаси ва «Дорпрофсож»да қонун билан тақиқланган ҳодисага йўл қўйишади? Нима учун ҳурматга лойиқ кишига бепарволик билан муносабатда бўлишади?

Маҳаллий Советларда — Ленин районидаги (ветераннинг собиқ иш жойи бўйича) ва Ҳамза районида (унинг турар жойи бўйича) ҳам шунга ўхшаш йўл тутишди. Ленин райижрокомида И. А. Конновнинг аризасини йўқотибгина қолмай, ўз айбларини тан олишни исташмади. Уруш ветерани райижрокомга мурожаат этмаган дейишлари эса ёлғон, сувдан қуруқ чиқишга интилишдан бошқа нарса эмас. Агар кишига ёрдам беришни хоҳлашганда, газетада мақола босилганидан кейин шундай қилишлари мумкин эди. Район ижроия комитетининг раиси Т. Ҳайдаров имзоси билан редакцияга «эътиборга олиш учун» «Милиция линия бўлими ўз алоҳида фонди бўлган «Дорпрофсож»дан автомобиллар олиши, ижроия комитет темир йўл ташкилотларига ишчи ва хизматчиларнинг эҳтиёжлари учун автотранспорт ажратмаслиги» ҳақида сохта жавоб йўллашмаган бўлур эди.

Тўғри, темир йўл бошқармаси катта ҳуқуқ ва ваколатларга эга бўлган ташкилот. Лекин, маҳаллий Советлар йўл бошқармаси раҳбарларига, касаба союзи йўл комитетига уруш ветеранига нотўғри муносабатда бўлинганини айтиб қўйиш ҳуқуқига эга эдилар. Ёки унинг ҳақида ғамхўрлик қилишни зиммаларига олишлари керак эди.

«Ветеран ва «Жигули» мақоласи босилиб чиққанидан кейин иккала ижроия комитетда ҳам депутатларга И. А. Коннов билан боғланиш ва дилсиёҳликсиз, жиззакичиликсиз «Жигули» олишда унга ёрдам бериш топширилмади. Баҳоланки, бу ҳозир муаммо эмас. Масалан, И. А. Коннов турли идораларга қатнаб беҳуда овора бўлиб юрган 1981—1984 йилларда Ленин райижрокоми томонидан аҳолига бир ярим мингтага яқин «Жигули» автомобили сотилди. Шу даврда «Дорпрофсож» Темир йўллар министрлигидан мингтадан ортиқ машина олди, хусусан, Ўзбекистондаги бўлинмаларига—730 тасини тақсимлади. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси учун эса ана шу катта фонддан битта ҳам «Жигули»... топилмади. Яна бир ажабтовур факт. Утган йилнинг тўртинчи кварталида Волга автомобиль заводининг Тошкент областлараро маркази магазин-салонида корхоналар ва ташкилотларнинг тавсияномаси билан мингтага яқин автомашина аҳолига эркин сотилди. И. А. Конновга нисбатан бу имкониятдан ҳам фойдаланилмади.

Улуғ Ватан уруши ветерани нолойиқ муносабатда бўлингани ҳақида газетада биринчи, иккинчи мақола босилди, лекин «Жигули» билан бўлган бу кўп йиллик сансалорликка алоқадор кишилар ўзларига тегишли хулоса чиқариб олишмади. Шу сабабли бошқа раҳбарлар ҳам бу мисолдан тўғри хулосалар чиқариб олишлари учун ушбу масалага яна қайтишга мажбур бўлдик.

Д. ДАРАГАН,
Уруш ветеранлари Совет комитетининг Тошкент секцияси аъзоси.

Б. КРИВИЦКИЙ,
шаҳар халқ контроли комитетининг штатсиз инспектори.

В. ЛАПИНА,
«Тошкент оқшоми»нинг мухбири.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

МАШИНА МОДЕЛИНИ ХАРИДОР БЕЛГИЛАЙДИ...

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Улуғ Ватан уруши қатнашчиси И. А. Конновнинг хусусий фойдаланиш учун «Жигули» автомашинаси ажратилиши ҳақидаги илтимосига Ленин районида жойлашган, у пенсияга чиққан Ўрта Осиё темир йўли бошқармасида, темир йўл транспорти ходимлари касаба союзи йўл комитетида, Тошкент транспорт милицияси бошқармасида, шунингдек, унинг яшаш жойи бўйича Ҳамза райижрокомида лоқайд муносабатда бўлингани ҳақида «Тошкент оқшоми» газетасининг 1984 йил 16 октябрь ва 27 декабрь сонларида «Ветеран ва «Жигули» сарлавҳаси остида босилган мақолаларни кўриб чиқиб қарор қилди:

1. Тошкентдаги «ВАЗ» ихтисослаштирилган автомаркази Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг бозор фондидан битта «Жигули» маркали (машина моделини харидор белгилайди) автомобилни Тошкент шаҳар, Куйбишев шоссеси, 11-уйда яшовчи Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Иван Андреевич Конновга сотсин.

2. Улуғ Ватан урушн инвалидлари ва қатнашчиларининг талаб-эҳтиёжларига Ҳамза ва Ленин район ижроия комитетлари, Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси, унинг йўл касаба союз комитети ва Тошкент транспорт милицияси бошқармасидаги тоқат қилиб бўлмайдиган сансалорлик ва бепарволик кўрсатиб ўтилсин.

2 ТОШКЕНТ ВЕТ ОҚШОМИ

19 МАРТ, 1985 й.

● Капитализм иллатлари

БЕНАСИБ ҚАРИЛИК

Капиталистик мамлакатларда ишчи-хизматчилар ёши ўтган сари ташвишга туша бошлашади. Чунки меҳнат кишиси қарилик туфайли ҳақ-ҳуқуқсиз бўлиб кўчада қолиб кетиши мумкин. Инсон ҳуқуқлари тўғрисида жар солаётган корчалонлар ёши ўтганларни жамият учун кераксиз, деб билишади.

Яна шуни айтиш керакки, капиталистик мамлакатларда қарилик туфайли нафақа олиш ёши анча юқори. Жумладан, Америка Қўшма Штатлари, Германия Федератив Республикаси, Швеция, Нидерландияда эркаклар ва аёллар 65—63 ёшда, Норвегияда—67 ёшда, Буюк Британияда эркаклар — 65 ёшда, аёллар — 60 ёшда, Япония, Канада ва Испанияда — 65 ёшда, Ирландия ва Францияда эса 70 ёшда қарилик нафақаси олиш ҳуқуқига эга бўлишади.

Капиталистик мамлакатларда ишчилардан қарилик учун взнос ундириш 16—18 ёшдан бошланади. Ҳар бир ёлланма меҳнат кишиси хоҳласа-хоҳламаса ҳам ҳар ойда ўз маошидан қарилик учун пул жамғариши лозим. Социал таъминот бўйича Халқаро ташкилотнинг маълумотларига қараганда ишчилар ўз ойлик маошларига нисбатан Белгияда — 31,4 процент, Финляндияда — 25,6 процент, Данияда—22,7 процент, Франция ва Австралияда — 20 процент, Буюк Британияда эса 16,9 процент қарилик пенсиясини олишлари мумкин. Бир қатор мамлакатларда эса қарилик пенсияси ойлик маошнинг учдан бир қисмини ташкил қилади.

Америка Қўшма Штатларида даволанишнинг қимматга тушиши туфайли касалхоналар бўш турган бир тақдирда, қариялар уйларида ўринлар етишмайди. АҚШда 22 миллиондан кўпроқ 65 ёшдан ошган қариялар бўлиб, фақат уларнинг 1 миллионигина ёши ўтганлар учун мўлжалланган интернат-уйларга жойлаштирилган. Айрим қариялар учун мўлжалланган уйлар ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Чунки ҳар бир ёши ўтган киши қариялар уйига кириши учун дастлаб 15—20 минг доллар тўлаши керак. Бундан ташқари ҳар ойда 400 доллар тўлашга мажбур.

Шуни айтиш керакки, ривожланган капиталистик мамлакатларда вақтинчалик ишга яроқсизлиги, бола кўриш учун бериладиган нафақа ва бир қатор бошқа социал хизмат турлари умуман йўқ. Ишлаб чиқаришда жароҳатланган ёки касб касалликларига чалинганлардан 15 миллион киши ҳеч қандай нафақа олмайди.

Айниқса қари аёллар капитализм иллатидан кўпроқ азоб чекишмоқда. Масалан, АҚШда аёллар эркаклардан кейин ишга қабул қилиниб, биринчи бўлиб ишдан бўшатилади. Ҳозирги кунда 3 миллион 700 минг америкалик аёл умуман ишсиздир. Мамлакатдаги ортиқча кишиларнинг 8 миллион 130 мингини аёллар ташкил қилади. АҚШдаги 65 ёшдан ошган аёлларнинг 80 процентн оч-наҳор кун кечирмоқда.

Эстония ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли автопарк шофёри Алексей Райман ўзига хос коллекция тўплаган. Бугунги кунда унинг уйида мингдан ортиқ паровоз ва вагонларнинг макетлари бор. Уларнинг кўпчилиги қадимги нусхалар ҳисобланади. Коллекционер ўз буюмларини 87 марта кичиктирилган ҳолда йиғиб бормоқда. Шу билан бирга тўпланган коллекциялар бўйича ранг-баранг адабиётлар ҳам жамланган. Мана 20 йилдирки, у ўзига хос коллекция тўплаш билан шуғулланади. Райман тўплаган паровоз ва вагонлар кўпгина кўргазмаларда намойиш қилинган. Яқинда у ўз коллекциясини Ленинград шаҳрида ўтказилган кўргазмада намойиш этди.

СУРАТДА: А. Райман ўз коллекциялари билан.

ТЎҚМОҚНИ ИХТИРО ЭТИШДИ

Хабаровск темир йўл транспорти инженерлари институтининг студентлари яхши профессионал тайёргарликдан ўтганликларини кўрсатдилар. Улар яратган электромеханик тўқмоқ қурилиш майдонларида нуль цикл ишларини бажаришни анча тезлатади.

Янги конструкциядаги тўқмоқ ичида оғир пўлат тўқмоқ бемалол сирпанадиган уч метрли трубадан иборат. Рама ёрдамида труба қозиққа дам бир учини, дам иккинчи учини тўғри келтириб бурилади.

— Бундай тўқмоқ шундай қурилмаларга нисбатан икки баравар серунумдир,— дейди кафедра мудири П. Супрун. — У Дэс—250 тракторининг энергияси билан ишлайди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ГЕОЛОГЛАРНИНГ ИЗЛАНИШЛАРИ

ГАВАНА. Куба геологлари Камагуэй вилоятининг ер ости бойликларини ўрганиш соҳасидаги ишларни бу йил ниҳоясига етай деб қолди. Бу иш Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг озодлик ороли территориясидаги фойдали қазилмаларни қидириб топиш планларига мувофиқ уюштирилмоқда.

Мутахассисларнинг берган маълумотларига қараганда, Кубанинг ана шу марказий районида хромит, боксит ва бошқа минерал ўғитларга бой конлар бор. Куба геологлари социалистик ҳамдўстлик мамлакатларидан келган ўз шериклари билан ҳамкорликда саноат учун муҳим хом ашё бўлган ана шу фойдали қазилмалар чиқариладиган конларни ишга тушириш зоналарини белгиламоқдалар. Жисмларни текшириб кўриш мақсадида қудуқ қазиш ишларининг жадаллаштириб юборилганлиги улар таркибидаги рудани аниқлаш имконини беради. Айни вақтда шу районнинг геология картаси тайёрланмоқда.

Озодлик оролининг геологлари бу йил қўшимча маблағ сарфламай, қидирув ишлари ҳажмини кучайтириш ниятидадир. Меҳнатни илмий асосда пухта уюштириш ва қардош социалистик мамлакатлар Кубага етказиб бераётган замонавий машина-ускуналардан самарали фойдаланиш йўли билан бу тадбирларни амалга ошириш планлаштирилмоқда.

КУБА. Озодлик оролининг меҳнаткашлари Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига фидокорона меҳнат қилишмоқда. Гавана шаҳридаги «Таино» заводининг конвейеридан биринчи «КамАЗ» автомобили ҳаётга йўлланмоқда. Бу кўп тонналик юк кўтара оладиган машиналар ишлаб чиқарадиган завод совет мутахассислари ёрдамида қад кўтарди. Бу йирик саноат корхонаси ривожланаётган Куба экономикасига самарали таъсир кўрсатади.

СУРАТДА: ҳаётга йўлланма олган автомобиллар.

ЖАДАЛ СУРЪАТЛАР БИЛАН

ХОШИМИН. Мелиорация қурилиши кенг кўламда олиб борилмоқда. Халқ ҳокимияти йилларида социалистик Вьетнамнинг жанубий қисмида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишини ана шундай характерлаб бериш мумкин. Шу йиллар ичида бу ерда элликдан ортиқ йирик ирригация иншоотлари ишга туширилди. Бу иншоотлар мамлакатнинг шу қисмида қишлоқ хўжалик экинлари майдонини 1,6 миллион гектар кенгайтириш имконини берди.

Ирригация қурилиши ишларининг тез суръатлари халқ ҳокимияти қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш, деҳқонларнинг турмуш даражасини юксалтириш масалаларига доим эътибор бераётганлигини тасдиқлайди. Америкапараст янги мустамлакачилик режими йилларида атиги бир неча ирригация системаси қурилган эди. Шундан кейин Америка авиациясининг бомбардимонлари бу системаларни яксон қилди. Америка ҳарбийларининг уруш ҳаракатларидан жонини сақлаб қолишга мажбур бўлиб, шаҳарларга кўчиб борган деҳқонлар неча юз минг гектар маҳсулдор ерларни ташлаб кетган эдилар.

Озодликка эришилган биринчи кунларданоқ халқ ҳокимияти органлари миллий экономиканинг энг муҳим тармоғи бўлмиш қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун самарали тадбирларни амалга оширдилар. Ерлари энг маҳсулдор Меконг дельтаси районларига алоҳида эътибор берилди. Ҳозирги вақтда бу районни ҳақли равишда Вьетнамнинг «шоли кони» деб атайдилар. Жанубда халқ ҳокимияти ўрнатилгандан кейин ўтган бир йил ичида атиги 5 миллион тонна шоли етиштирилган эди. Вьетнам жанубий қисмининг ўтган йили мамлакатнинг умумий ҳосил хирмонига қўшган ҳиссаси 10,4 миллион тоннага етди. Республиканинг асосий озиқ-овқат экини бўлган шоли ҳосилдорлиги тез ошиб бормоқда. Масалан, Куангнам-Дананг вилоятининг деҳқонлари ҳозирги вақтда ҳар гектар ердан ўртача ҳисобда 79 центнердан шоли олмоқдалар.

ОММАВИЙ НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ

Сан-Франциско марказида Америка маъмуриятининг ЖАРдаги ирқчилар режимини қўллаб-қувватлаётганлигига қарши оммавий норозилик намойиши бўлди. Намойиш қатнашчилари АҚШнинг претория маъмурларига ҳарбий, иқтисодий, молиявий ёрдамини ҳамда дипломатия йўли билан қўллаб-қувватлаётганлигини қаҳр-ғазаб билан қораладилар. Улар Жанубий Африка Республикаси африкалик аҳолисининг миллий озодлик кураши билан бирдам эканликларини изҳор қилдилар ва Жанубий Африка зиндонларида азоб чекиб ётган сиёсий маҳбуслар озод қилинсин, деб талаб этдилар.

Италиянинг Флоренция шаҳри йирик маданий марказлардан бири ҳисобланади. Унинг кўплаб майдонлари тарихий обидаларга бойдир. Йиллар давомида италиялик усталар шаҳар кўркига кўрк берадиган бинолар бунёд этишди. Шу билан бирга шаҳар кўплаб шоир ва ёзувчилар номи билан ҳам чамбарчас боғлангандир. Бу шаҳарда «Илоҳий комедия»нинг автори буюк итальян шоири Данте Алигьери (1265—1321 йиллар) яшаган ва ижод қилган. Бугунги кунда шоир яшаган уй сақланиб қолган.

СУРАТДА: «Илоҳий комедия» автори яшаган кўча.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

ПРАГА. Чехословакиянинг энг муҳим ёқилғи базаси — Острава-Карвин кўмир ҳавзасининг жанубий қисмида Совет мутахассисларининг кенг иштирокида жуда катта кўмир қатламларини фойдаланишга тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди. Совет техникаси ёрдамида қурилаётган янги шахта келгусида ҳар йили уч миллион тонна кўмир берадиган бўлади.

Шахтёрларнинг ҳамкорлиги ҳар томонлама, ўзаро манфаатли характерга эга. Шуни айтиш кифояки, Острава кончилари кўмирнинг 45 процентини совет комбайнлари билан қазиб олмоқдалар. Яқинлашиб келаётган шонли сана — Ғалаба куни муносабати билан Острава— Карвин кўмир ҳавзасининг меҳнатчилари ишлаб чиқариш суръатини оширмоқдалар. Шахтёрларнинг илғор коллективлари фашизм устидан қозонилган ғалабанинг ҳамда Совет Армияси Чехословакияни озод қилганлигининг 40 йиллиги шарафига қирқ зарбдор ҳафтани ўтказиш ташаббуси билан чиқдилар.

***

АММОН. Исроил босқинчилари Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида террор ва жабр-зулмни тўхтатмаяптилар. Бу ердан олинаётган хабарларга кўра, Рамаллах ва Халхулда маҳаллий аҳолидан кўп киши қамоққа олинган. Интервенциячилар Сиир ва Дора аҳоли пунктларида ўзларига қарашли ерлар мусодара қилинишига норозилик билдирган арабларнинг уйларини бульдозерлар билан бузиб ташламоқдалар. Босқинчилар бундай ваҳшиёна усуллар билан арабларни ғарбий қирғоқни ташлаб кетишга мажбур қилишни мўлжалламоқдалар.

Ҳозиргача Исроил ҳарбий маъмурлари ана шу қишлоқ хўжалик районидаги қарийб 60 процент территорияни мусодара қилдилар.

***

ОТТАВА. Канадада янги ташкилот «канадаликлар кенгаши» тузилди. Парламент аъзолари, таниқли жамоат ва касаба союз арбоблари, савдо-саноат доираларининг вакиллари, маданият арбоблари шу ташкилот аъзоларидир.

Бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида кенгаш консерваторлар ҳукумати эълон қилган «очиқ эшиклар» сиёсатига жавобан тузилганлиги маълум қилинди. Бундай сиёсат чет эл, биринчи навбатда Америка капиталининг Канада экономикасига ва ижтимоий турмушининг бошқа соҳаларига деярли назоратсиз суқилиб киришини кўзда тутади.

Шу ташкилот асосчиларидан бири канадалик ношир Мел Хартиг бундай деди: кенгаш Канаданинг Рейган ҳукумати ишлаб чиққан «Самовий урушлар» программасида ҳар қандай иштирокига қарши норозилик билдиради ва мамлакат халқаро кескинликни камайтириш ишида янада актив роль ўйнашини талаб қилади.

Маҳаллада нима гап?

БОЛА ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР

Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларида тарбиявий иш олиб боришда жамоатчилик ролига алоҳида эътибор берилган. Ана шунинг учун ҳам Тельман номли маҳалла билан 70-ўрта мактаб коллективи ўртасидаги алоқалар кучайтириляпти. Чунончи, яқинда маҳалла клубида «Мактаб, оила ва жамоатчилик» мавзуида суҳбат уюштирилди. Бу ерга таълим-тарбия ишида ибрат бўлаётган ота-оналар ҳам, бу ишга анча бепарволик билан ёндошаётган ота-оналар ҳам таклиф этилди.

Мактаб илмий бўлим мудири Мухтабар Хўжаева шу маҳалла болаларининг таълим-тарбияси, ахлоқи ва одоби ҳақида гапириб берди. Бола тарбиясига жиддий эътибор берлаётган оилаларни мисол келтириб, мактаб билан алоқада бўлмаётган оилаларни танқид қилди. Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Тошпўлат Усмонов, уруш ва меҳнат ветеранлари Сайфуддин Иброҳимов, Қудратилла Шукруллаев, маҳалла комитетининг раиси Мутал Ҳошимовлар бола тарбиясида ота-она ибрат кўрсатиши муҳимлигини, мактаб ва оиланинг ўзаро алоқаси қанчалик яқин бўлса, тарбиявий иш шунчалик самарали бўлишини таъкидладилар. Ёшларнинг касб танлашига кўмаклашиш ҳам мактаб ва ота-оналар эътибор берадиган муҳим вазифа эканлиги айтилди. Педагоглар ота-оналарни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

С. СУЛТОНОВ.

УЛУҒ ҒАЛАБА СТРАТЕГИЯСИ

«Экран» ижодий бирлашмасида «Ғалаба стратегияси» деб аталган 15 серияли телевизион фильмни яратиш иши тугалланди. Ҳужжатли кинопублицистиканинг бу кенг миқёсли полотносида совет халқининг Улуғ Ватан уруши йилларида намойиш этган енгилмас қудрати, советлар мамлакати бошига қийин давр тушган пайтда Ленин партиясининг илҳомлантирувчилик роли, саркардаларимиз, дипломатларимизнинг, саноат кўпгина тармоқлари раҳбарларининг толмас иши ва собитқадамлиги тўла-тўкис ва ғоят ишонарли тарзда очиб берилган.

Серияга «Эсдаликлар саҳифалари, ҳужжатлар, хроника» деган кичик сарлавҳа қўйилган. Фильмда ўша олис алангали кунлар ва тунлар кадрлари билан бир қаторда уруш йилларининг энг муҳим воқеалари бўлиб ўтган жойларда яқинда суратга олинган материаллардан ҳам фойдаланилган.

Бу киноэпопея устида ишлаган катта ижодий коллектив кўзлаган асосий мақсад идеологияси ҳар хил бўлган икки давлат системасининг ҳарбий ва сиёсий соҳадаги ўзаро курашини, фашизмга қарши одилона, озодлик курашида социалистик тузумнинг ҳаққоний ғалабасини кўрсатиб беришдан, Улуғ Ватан уруши тўғрисидаги — инсониятнинг бутун тарихи мобайнидаги энг шиддатли ва энг кўп қон тўкилган урушнинг тақдири қайси фронтда ва нималар эвазига ҳал этилганлиги тўғрисидаги ҳақиқатни ҳикоя қилиб беришдан иборатдир.

Фильмда машҳур артистлардан В. Лановой, М. Ульянов, К. Лавров, М. Глузский, Г. Жженов, М. Ножкин, А. Белебородько ва бошқалар, бир қанча режиссёрлар ва киносценарийчилар қатнашганлар. СССР Давлат мукофотининг лауреати Г. Шергова сериянинг раҳбаридир. «Ғалаба стратегияси» фильмини кенг томошабинларга кўрсатишга тайёргарлик кўрилмоқда.

(ТАСС).

• Илм-фан—ишлаб чиқаришга

ЕР БАҒРИДАН ДАРАКЛАР

Губкин номидаги Москва институтининг мутахассислари геофизик приборсозлик махсус конструкторлик бюроси билан биргаликда яратган прибор чуқур ер бағридаги жинсларнинг состави ҳамда унда нефть ёки газ конденсати бор-йўқлиги тўғрисида чаққон маълумот беради.

Янги аппарат қудуқдан келиб турган пармаланган жинс зарралари аралашган суюқликни инфрақизил нурланишда тадқиқ этиб, ер ости қатламларининг минерал таркиби тўғрисидаги маълумотларни ҳамда уларда бевосита разведка мақсадидаги пармалаш жараёнида углеводород хом ашёси бор-йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни систематлаштиради.

Волга бўйидаги нефть конларида ўтказилган синовлар битта шундай приборнинг ўзини жорий этишдан олинадиган иқтисодий самара бир йилда 200 минг сўмдан ҳам кўп бўлишини кўрсатди. Энди прибор кўплаб ишлаб чиқарила бошлади.

Пойтахт олимлари ясаган приборларини такомиллаштира бориб, Кола ғоят чуқур қудуғи билан Каспий бўйи чўкмасидаги — газ конденсат конларидан олинувчи парма эритмаси таркибини анализ қилиш методи ва аппаратларини ишлаб чиқмоқдалар.

Олий мактаб мутахассислари мамлакатдаги кўпгина кон районларининг нефтчилари, газ қазиб чиқарувчилари билан актив ҳамкорлик қилмоқдалар. Мутахассислар ечимларини жорий этишдан олинган иқтисодий самара ўтган йилнинг ўзидагина 17 миллион сўмдан ортиқроқ бўлди.

(ТАСС).

ҲАР ТЎҒРИДА

ЕР ҚИМИРЛАШИНИ АЙТАДИГАН АСБОБ

Туркман сейсмологлари москвалик ҳамкасблари билан ҳамкорликда зилзила бўлишини олдиндан маълум қиладиган асбоб яратишди. Чуқур ер қаърига ва ер устига ўрнатилган акустик датчиклар ердаги кўз илғамас микроскопик ёрилиш товушларини мунтасил маълум қилиб туради.

Бундай товушлар тезлиги ортиб борса, шу атрофда зилзила бўлишини тахминан 10 соат олдин билиш мумкин бўлади.

МИХИ ЎЗИ БИЛАН

Финляндия инженерлари қутили болға ихтиро этишди. Болға ишлатилаётган пайтда мих қоқиш зарурати туғилса, соп босқичи босилса, қутидан мих отилиб чиқиб болға учидаги магнитга ёпишиб қолади. Бир қўлда осонгина ўша михни қоқаверса бўлади.

С. ҒАФУРОВ тайёрлаган.

МИРМУҲСИН.

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

(ҲИКОЯ)

—10—

— Сен ўзинг ичиб юрасан, нега шуни ташлолмайсан? Ҳозир ҳам ичкансан! Сен кўп вақт ичиб юрасан! Кўрганман! Мен фақат олди-сотди қиламан, отабоболарим савдогар ўтган. Мен бировнинг хотинини йўлдан урибманми! Қани, айтчи, нега сен ўзинг ароқни ташлолмайсан?!

— Ташлайман! Ташлаганим бўлсин! —Далабой мўйлов бақириб юборди, — чол, илгари ташламаган бўлсам ҳам энди ташлайман!

Аҳрорхон ота шу лаҳза ўрнидан туриб, этагини қоқиб хонадан чиқиб кетди.

Тўқнашув муваффақиятсиз ўтгани Сайфиддин билан Севарахонни қаттиқ изтиробга солди.

— Э, гўр тўғрилайди отангизни! — деди хайрлаша туриб Далабой мўйлов. Сиз ўзингизга олиб юрибсиз, очиғини айтсам, бутун маҳалла бу иснодга чидолмай, ҳамма айбни сизга қўйиб юрган эди. Профессор отасига ёрдам бермагани учун у «старавешш» бўлиб юрибди, дердик. Хато экан. Сизга жуда қийин, ука! Отангизнинг ишларига илонлар пўст ташлайди!

Бу воқеадан сўнг чол бир кечада ғойиб бўлди. Қидирилмаган жойлари қолмади. Бўзсувни тўғондан бўғиб, қуритиб анҳор тагини қарашди, қариндош-уруғларникига боришди, милицияга хабар беришди. «Старавешш» ҳеч ерда йўқ.

(Охири. Боши газетанинг ўтган сонида).

—11—

Орадан ўн беш кун ўтгач шаҳар милициясига Томск шаҳар милициясидан телефон бўлиб, Аҳрорхон Асрорхонов деган шахс бозорда олмани олти сўмдан, чесноки ўн беш сўмдан бир тийин камига сотмай кўзини лўқ қилиб ўтиргани, қўлида «Колхозчи. Томорқаси бор» деган сохта справкасини кўришгани хабар қилинган. Бу одам Новосибирск, Омскда ҳам илгари нарса сотиб юргани ҳақида делоси бор экан. «Савдогарнинг кекса бўлганлиги» туфайли, ундан тилхат олиб, Ўзбекистонга жўнатганликлари хабар қилинди. Милициядан профессор Сайфиддин Аҳрорович уйига телефон қилиниб, отаси поездда бетоб бўлиб қолгани хабар қилинди. Шаҳар милициясидагилар бу чол қидирувдаги ўша «старавешш» эканини, ўғли профессор С. А. Асроров эканини билишиб, вокзалга одам чиқаришмади, профессорга ҳам ҳеч нима дейишмади. Иснод, юрак азоби ҳар қандай жазодан қаттиқ эканини милиция ходимлари сезиб туришарди. Профессор укаси билан бирга ўз машинасида вокзалга чиқиб, оталарини кутиб олишди. Йўлда грипп бўлиб, иссиғи чиққан чол Томскда бўлган ҳангомани ўғилларига айтмай, қовоғини солиб, машинада уйга келди. Катта, озода хоналарга кирмай, ўзининг ҳар хил қақир-қуқурларга тўлган, консерва банкаси-ю, кўчадан топиб келган ғилдирак, қоплардаги чесногу эски-туски, увадаси чиққан костюмлар, шиша банкалар

—12—

тўлиб кетган хонасига кириб ётиб, жони ором олиб ухлади. Иситмаси чиқиб турганига қарамай, тўшакнинг муштлашиб қолган жунлари орасига қўл тиқиб, нимманидир қидирди. Сандиқни очиб, нималарнидир титкилади. Ҳамма нарсаси жойида экани кўнглини тинчитди. Ўғиллари врач чақириб, кўрсатишди. Укол қилинди... Шундан сўнг Маккадан келган исқирт хожидек мамнун ётди.

Баъзилар «старавешш»ни бир қайнови ичидароқ — бир винти камроқ кимса дейишади. Йўқ, у ниҳоятда ичдан пишган, қув одам. Лекин унинг биронта фарзанди ўзига ўхшамаганига маҳалла ҳайрон. Шунақаси ҳам бўладими! Кампир раҳматли бу болаларни она мушукдек тишида тишлаб, дам у ёққа, дам бу ёққа ташиди, ўқитди, одам бўлишиб оёққа турганда, бечора дунёдан ўтди. Урушдан кейин ўша вақтда ҳам Аҳрорхон «понсод» бир тийинни туфлаб тугиб, ҳамма нарсани еб қўяпсизлар, жувонмарглар, деб болаларидан қозонини бошқа қилиб олган эди.

Кунлардан бир кун ён маҳаллалик таниши — Комилжон ота билан бозорда учрашиб, ариқ бўйида чўққайиб ўтириб, суҳбатлашиб қолишди:

— Аҳрорхон понсод, қалай, мол-жон омонми?

— Мол-жон омон, Комил — қўрвоши! Ўзлари қалай? —деди яйраб «старавешш». Қадимги савдогарлар «тан-жонинг соғми», эмас, «мол-жон омонми?» дерди. Бу гап «старавешш»га ёқиб тушди. Анчадан буён эшитмаган бундай яхши иборани тинглаб, жони ҳузур қилди.

— Бедана борми? Ёки барҳам бердингизми? Илгари озмоз наша чекардингиз? Папиросга ўтиб кетдингизми?

— Униси ҳам йўқ, буниси ҳам,—деди Комилжон ота кулимсираб. Кейин «старавешш»га қаради. —Понсод, неварамни кўргани Москвага кетяпман, йўлдош бўлмайсизми? У ҳарбий хизматда. Озгина бетоб бўлиб қолибди. Шу баҳона билан маччойи сайл қилиб келардик...

— Бўпти, — деди «старавешш» хаёлини Москва четидаги бозор тортиб. Омск, Томск, Новосибирск.. бозорларини, у ердаги расталар, кўчалар, дўконларни беш бармоғидек би-

—13—

ларди. Барчаси бир лаҳзада кўз олдидан ўтди.

— Бўлмаса тайёргарлигингизни кўраберинг. Ҳамма йўл харажатлари камина ҳисобидан.

«Старавешш» хурсанд бўлиб кетди, у ўғил-қизлари, невараларига сездирмай бир чамадон саримсоқ пиёзни, олтита қирқма қовунни насияга олиб, бозор атрофидаги танишиникига қўйди. Эрта ўтиб, индинига «беданaнинг уйи йўқ, қайга борса битбилдиқ...» деб, ҳингиллаб Комилжон ота билан бирга поездда Москвага равона бўлишди. Уч кеча ётиб, эрта билан пойтахтга кириб келишди. Машҳур Виставка ёнидаги меҳмонхонага жойлашиб олишди. Ошнаси неварасини кўргани кетганда «старавешш» иккита қовунни кўтариб, бозорга борди. Прилавкага исқирт белбоғини ёзиб, устига қовунни тилимлаб, қатор териб қўйди. Сўраганларга бир сўм, деб қаттиқ турди. Тансиқ нарса, баҳоси шундай бўлса керак, деб баъзилар бир сўм ташлаб, тик туриб қовун ейишди. Биринчи сўйган қовунидан йигирма бир тилим чиқарган эди, иккинчисидан ўттизга етказди. Тилимлар ҳам чалпақдек юпқа бўлиб кетди. Ўн тийин арзонига ҳам бермади. Кечгача ўтириб, икки қовундан эллик сўмча пул ишлаб, меҳмонхонага қайтиб келди. Ошнасига бу ердаги танишларимга бориб келдим, деб ёлғон гапирди. Эртасига бозорда чесногу қолган тўрт қовунни тилиб сотаётганида невараси ёнидан қайтиб келаётган Комилжон ота нима ҳам бўлиб, бозорга кирган эди, прилавкага исқирт белбоғини ёзиб, қовун тилиб сотаётган шеригига кўзи тушди. Ёнига яқин келиб, ўн тийинига қийиқлашаётганини кўриб, ҳангу-манг бўлиб қолди. Бу ярамасни нега ҳамроҳ қилдим, деб пешонасига бир урди.

— Ҳей, одамни нима бўғони яхши! Бу нима қилиқ?!

«Старавешш» бақрайиб, қотиб қолди.

— Уялмайсизми?! Номусларга ўлдирдингиз-ку!

— Бу ерда бизни ҳеч ким танимайди...

— Бошингдаги дўппини еч! —У сансаллаб юборди. —Қўйнингга тиқ! Агар бундай қилмасанг, ҳозир қовунларингни ерга отаман! Милиция чақираман, сен, даюсни исқипилон — аперис эканингни билмабман!

—14—

— Бўлди, бўлди, Комил-қўрвоши, хафа бўлманг! — деди «старавешш», —ҳозир кетамиз!

— Олинглар! — Комилжон ота қовун тилимларини одамларга текинга улаша кетди. Кулиб, икки чол гуфти-гўсини кузатиб турган кишилар, бозорни тозалайдиган фаррошлар бир тилимдан олишди, — пулини мен сенга меҳмонхонада бераман, хасис чол!—деди Комилжон ота зарда билан.

— Бировнинг ҳақи ёмон бўлади!

— Бераман! Юр, буёққа! Сени буёқларга олиб келган мен ахмоққа минг лаънат! Ўзбек деган номимизга иснод келтирдинг, ярамас. Сени маҳалладан ташқарига асло чиқариб бўлмайдиган кимса экансан!

Комилжон ота уни ташлаб кетмоқчи бўлди, аммо бунда қолиб халқимиз номига яна иснод устига иснод келтира беришини билиб, ёнида соқчидек туриб, Ўзбекистонга қайтариб олиб келди. Омон-эсон эшигидан киритиб юбориб, хайр демасдан орқасига қайтди.

Кунлардан бир кун чол йўқлигида ўрин-бошларини тартибга солиш, хонани артиб-суртиб қўйиш ниятида Севарахон хужрага кирди. Яғир бўлиб кетган ёстиқ жилдини олиб, оппоқ сурп жилдга тиқаётганида қўлига бир нима тошдек ботди. Муштлашиб қолган жун ичига қўл тиққан эди каттагина тугунчага қўли тегиб, уни ёстиқ ичидан тортиб олди. Рўмолчани ечса йигирма беш, эллик сўмликдан иборат бир даста пул... Ҳайрон бўлиб қолди. Пулни дарҳол жойига тиқиб қўйди. Ҳужрани тозалаб тартибга солиб, уйиб ташланган темир-терсак, қақир-қуқурлардан каравотга ўтиш учун йўл очди. Кечқурун бу гапни эрига айтган эди, Сайфиддин хотини қулоғига шивирлади:

— Битта эллик сўмлигини суғириб олиб чиқмайсанми, эртага мояна тегади, яна жойига қўйиб қўямиз. Харажат қилиб келардим... Ош дамлардинг.

— Хўп, —деди Севарахон,— эртага жойига билдиртирмай қўядиган бўлсак, бунинг нима гуноҳи бор...—У югуриб кириб, битта эллик сўмликни ёстиқ орасидан суғириб олиб чиқди.

Чол пули харажат қилиниб, ош дамланди. Узоқ сафардан келган отани кирмайман, деганига ҳам қўймай Севарахон

—15—

зўрлаб олиб чиқди. Хонтахта устида турупу аччиқ-чучук... Севарахон катта чинни ларганда гумбаз қилиб ошни сузиб келди. Тарелкада гўшту илик, беҳи-ю чеснок... Бири-биридан ширин неваралар хонтахта атрофида қалдирғоч боласидай чуғуллашиб ўтиришди.

— Қани, марҳамат, олинг ота!

Чол қўл узатиб, ошни сиқиб, кичик гувалача ясаб оғзига солди. Лекин негадир уни ютолмай, ғийиқ-ғийиқ... этиб қолди. Чой узатишди. Негадир ош томоғидан ўтмади. Неваралар ҳайрон. Чол бир муддат ўйланиб, ошга тикилди. Ҳужраси тозалангани, ёстуғи устига янги оқ сурпдан жилд қопланганига хаёли кетди. Иккинчи луқмани ҳам оғзига солди, аммо бу ҳам ўтмади. Ўз пулига келган овқат томоғидан ўтмаслиги ёдига тушди. Қовоғидан қор ёғилиб, чиқиб кетди. Ҳужра эшигининг илгагини солиб, дарҳол ёстиқ жуни ичидаги пулни олиб санай бошлади.

— Шу ишимиз тўғри бўлмадими-а» — деди Сайфиддин.

— Яна жойига қўямиз дедикку! —ҳижолат бўлди Севара.

Шу-шу бўлиб «старавешш» ётиб қолди. Кимлар дунёдан ўтмаган дейсиз, мана, кўча санғиб, тийинлаб пул тўплаган хасис «старавешш» дунёдан ўтди. Лекин биргина ёстиқ орасидан эмас, хужранинг бошқа жойларидан ҳам тугилган, ярмини сичқон еган пуллар топилди. Сичқон қирққанлари ва бутунларини қўшиб санашган эди, салкам етмиш мингга етди...

— Вой, тавба! Емай-ичмай, исқирт телогрейка устида ётиб, шунча пул тўплаган эканлар! Буюрмади! — деди Севарахон ёқасини ушлаб, қанчалар олийжаноб отахонлар ичида мана бунақа кимса ҳам бўлар экан. Кексалар фахримиз, бахтимиз! Лекин мана бундақа жамиятимизга, юрагимизга доғ бўладиганлари эмас!

1985 йил.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

шайбали хоккей бўйича СССР чемпионати

ШАРҚ ЗОНАСИ II ГРУППА КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА

ХОККЕЙ

19 мартда

«БИНОҚОР» (Тошкент) — АСК (Хабаровск)

22— 24— 25 мартда

«БИНОҚОР» (Тошкент) — «ЕРМАК» (Ангарск).

Учрашувлар шанба ва якшанба кунлари соат 17.00 да, бошқа кунлари — 18.30 да бошланади.

Справкалар учун телефон: касса — 46-03-12, 46-70-31, администратор— 46-07-53, 46-68-77.

БАҲОРДА ДАМ ОЛИШ ОТПУСКАСИГА ЧИҚУВЧИЛАР УЧУН

ТУРИЗМ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА СОВЕТИНИНГ ТУРИСТИК-ЭКСКУРСИЯ ПУТЁВКАЛАРИ СОТИШ БЮРОСИ.

1985 йилнинг март-апрель ойлари учун

СОВЕТ ИТТИФОҚИ БЎЙЛАБ САЁҲАТГА

ТУРИСТИК ПУТЁВКАЛАР ТАКЛИФ ЭТАДИ

Путёвкалар сотиш бюроси сизга Украина ва Молдавияга, Карпатга, Кавказнинг Қора денгиз соҳилларига, Закарпатьега, шунингдек қаҳрамон шаҳар — Москвага мароқли саёҳатга чиқишингизда ёрдам беради.

1-маршрут (Москва шаҳрига) — 12 кун давом этади, путёвканинг баҳоси — 142 сўм. Овқатланиш, яшаш, экскурсия хизмати харажатлари путёвка қийматига киради. **Сафарга жўнаш вақтлари— 28 март, 17, 22, 28 апрель.**

15 ноябрдан 15 апрелгача бўлган давр ичида путёвкалар билан Бутуниттифоқ маршрутларн бўйлаб саёҳатларга чиқувчилар қиймати 30 процент арзонлаштирилган авиабилетлардан фойдаланадилар.

Бюро дам олиш кунисиз, ҳар куни соат 10 дан 19.00 гача ишлайди.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Луначарское шоссеси, 115-уй (метронинг «М. Горький» станцияси). Телефон 66—26—41.

Тошкент шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармаси

С. И. СТРЕЛКОВ НОМИДАГИ 2-ПОЛИГРАФЧИЛАР ЎРТА-ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юртн ўрта маълумотли фотонабор электрон қурилмаларида ишловчи оператор, корректор-наборчи, офсет босма печатниклари, линотипчи, ҳарф терувчи, печатник ва муқоваловчилар тайёрлайди.

Билим юртига 15-18 ёшдаги 8—10 синфни тамомлаган ўғил ва қиз болалар қабул қилинади.

Билим юртини тамом қилганлар тўлиқ ўрта маълумот ва ҳунар олганликлари ҳақида диплом оладилар.

Билим юртига қабул қилинганлар бепул кийим-бош ва 3 маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.

10-синфни битирганлар учун ўқиш муддати бир йил, улар 30 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаганлар Москва ва Львов полиграфия институтларига, Тошкент тўқимачилик институтининг полиграфия бўлимига ўқишга юборилади-лар.

ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Зарур бўлганларга ётоқхона берилади.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: билим юрти директори номига ариза, автобиография, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт (асли), маълумоти ҳақидаги гувоҳнома (асли), 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор район, Нурхон кўчаси, 21-уй (метронинг «СССР 50 йиллиги» станцияси).

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ГОСКОМТРУД РУз ССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«СССР 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ҚАЙТАДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ҚУЮВ ЗАВОДИГА:

4-6 разрядли **токарлар, тиш кесувчилар, сандончилар, чархловчилар, газ-электр пайвандчилар, электр пайвандчилар, фрезерчилар, қолипловчилар** ва машинада қолип ясовчи 2-5 разрядли **стерженчилар,** қўлда қолип ясовчи 5-6 разрядли **стерженчилар,** 2-5 разрядли **қуймаларни қирқувчилар,** 2-4 разрядли **шихтовчилар** ва **дробомет қурилмаси ишчилари,** 5-6 разрядли **рандаловчилар, ремонтчи-слесарлар,** 5-6 разрядли **электр-слесарлар, слесарь-сантехниклар** ва **слесарь-вентиляциячилар, моделчилар,** 2-6 разрядли **футеровкачилар.** Меҳнатга ишбай — мукофотли ҳақ тўланади;

инженер-техник ходимлар (қуюв ишлаб чиқариши мастерлари, технологлари).

Ихтисоси бўлмаган кишилар 6 ой мобайнида бевосита ишлаб чиқаришнинг ўзида касб эгаллашлари мумкин.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — аҳолини ишга жойлаштириш марказий пункти.

ТОВАРЛАР—ХАЛҚҚА!

«КИЕВ РАДИО ЗАВОДИ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ТЕЛЕВИЗОРЛАРИ «СЛАВУТИЧ» ДЕБ АТАЛАДИ. БУ МАРКАЛИ ТЕЛЕВИЗОРЛАРНИНГ КЎПЧИЛИГИ ХАРИДОРЛАРНИНГ ҲУРМАТИНИ ҚОЗОНГАН.

«Славутич-220» — такомиллашган лампали — ярим ўтказгичли оқ-қора тасвирдаги телевизордир.

У 1-12 каналда метр-диапазондаги кўрсатувларни яхши қабул қилади. Унга 21-41 каналларда дециметрли диапазонда кўрсатувларни қабул қилиш учун СКД-1 блоки ўрнатилиши кўзда тутилган.

Телевизорда автоматик тарзда регулировка қилиш воситаси ўрнатилган бўлиб у созлашни осонлаштиради, тасвир ва овоз сифатига бошқа бегона аломатларнинг таъсир этишини камайтиради.

Телевизорга магнитофон ва наушник улаш мумкин.

«Славутич-220» аввалги моделидан паст частотадаги тембрини созлаш ускунаси ўрнатилганлиги ва замонавий безаклари билан ажралиб туради.

Экранининг диагонали бўйича размер — 61 см.

Оғирлиги 36 килограммдан ошмайди.

Баҳоси — 296 сўм.

«КИЕВ РАДИОЗАВОДИ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.
«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ

МУЗИКАНИНГ ЁҚИМЛИ САСИ

«ЭЛЕКТРОН-324» МАГНИТОФОНИ СИЗГА ҲАМИША ШОДЛИК БАҲШ ЭТАДИ.

Бу икки йўлли бир хил тезликдаги кичик ҳажмли (296х220х 75 мм) магнитофон ҳар қандай манбадан қувват олиб ишлаши туфайли айниқса, саёҳатлар чоғида қулай йўлдош бўла олади. У махсус шнур ёрдамида автомобилнинг борт тармоғига ҳам уланиши мумкин. Унинг ичига ўрнатилган махсус микрофон ташқи микрофонларни уламаган ҳолда овоз ва эшиттиришларни ёзиб олиш имкониятини беради.

Магнитофон баҳоси —165 сўм.

Бу магнитофон фақат «Электроника» фирма магазин-салонида савдога қўйилган.

«ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМА МАГАЗИН-САЛОНИ (телефон 33-68-60).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

42-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: саноат ускуналари бўйича **слесарь-ремонтчи,** металл бўйича **токарь:** (токар-револьверчи, токарь-каруселчи, программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори), **механикайиғиш ишлари слесари** (разметкачи, станок ва слесарлик ишлари контролери), **электр-монтажчи, электргаз пайвандчи, фрезерчи, электр-штамповкачи, куювчи-қолипловчи.**

Шу ихтисослар бўйича ўқиш муддати: 8 синф ҳажмидаги маълумотлилар учун 3 йил, 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун бир йил, Совет Армиясидан запасга бўшатилганлар учун —6 ой.

15 дан 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар қабул қилинади. Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Билим юртини битириб олган аттестатдаги баҳоларининг ўртача бали 4,5 бўлганларга олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар берилади.

Билим юрти ўқувчилари давлат томонидан текин кийим-бош, овқат (4 маҳал) билан таъминланадилар. 6 ойлик курс студентларига ҳар ойда 76 сўмдан стипендия, ишлаб чиқариш практика давридаги меҳнат ҳақининг 33 процентн берилади.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка, маълумоти тўғрисида ҳужжат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, таржиман ҳоли.

Бошқа шаҳардан келган ўқувчилар турар жойларидан прописка-дан ўчишлари ва билим юрти ётоқхонасига прописка-дан ўтишлари ҳамда ўзлари билан шахсий учёт карточкаси, ВЛКСМ аъзолиги учёт карточкаси ва комсомол билетини олиб келишлари зарур.

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй (2, 16, 25, 28, 29-трамвайлар; 8, 9, 165, 112, 60, 24, 44-автобусларнинг «Ғалаба боғи» бекати). Телефон 35-08-02.

ТЕЗ МУДДАТДА ТОЗАЛАТМОҚЧИМИСИЗ—МАРҲАМАТ!

Юнусобод массивининг 15-кварталидаги ҚАБУЛ ПУНКТИДА сизга ана шундай жавоб беришади.

Ҳали яқингинада ушбу массив аҳолиси буюмларни тез усулда химиявий тозалатиш учун бошқа районларга боришга мажбур бўлишарди. Бугунда эса ўзгача манзараннинг гувоҳи бўлиш мумкин. «Маиший хизмат шаҳарчаси»да **тез усулда химиявий тозалаш фабрикаси филиали** очилди.

УНИНГ ИШ ВАҚТЛАРИ МАССИВ АҲОЛИСИ УЧУН ЖУДА ҚУЛАЙ: **8.00 дан 20.00 гача, дам олиш кунисиз.**

АТИГИ 24 СОАТДАН СЎНГ СИЗ ЎЗ БУЮМЛАРИНГИЗНИ ТОЗА ВА ДАЗМОЛЛАНГАН ҲОЛДА ҚАЙТИБ ОЛАСИЗ.

Тез усулда химиявий тозалаш филиали хизматидан бошқа районларнинг аҳолиси ҳам фойдаланиши мумкин. Филиалга 49, 72, 97-автобуслар билан бориш мумкин («Маиший хизмат шаҳарчаси» бекати).

ХИМЧИСТКА ФАБРИКАСИ.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА —19/III да **Бўрон,** 20/III да **Севги тумори.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/III да **Келинлар қўзғолони,** 20/III да **Юлдузли тунлар** (билетлар сотилган).

кино

19 МАРТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СПАРТАК» — **Санъат саройи** (катта зал, телефон 44-21-44), **Чайка** (17, 20.30, телефон 77-06-20), **Нунус** (17.15, 20.30, телефон 46-46-55), **Ватан** (17.30, 21.00).

«СЕВГИ ХАСТАЛИГИ» — **Санъат саройи** (кичик зал), **Ҳамза номли** (18.30, 21.00, телефон 91-10-51).

«МУВАФФАҚИЯТ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ҲАМ ҲАЁТ, ҲАМ КЎЗ ЕШИ, ҲАМ СЕВГИ» — **Фестиваль** (тоқ соатларда, телефон 32-78-02).

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» — **Қозоғистон** (катта зал, 17, 20.00, телефон 35-24-92), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (18.20, 20.30, телефон 33-44-52).

«ТҮРТ МУШКЕТЁР» — **Қозоғистон** (кичик зал, 18, 21.00).

«ҚОНДОШ РАҚОБАТЧИЛАР» — **К. Ёрматов номли** (жуфт соатларда, телефон 24-22-66).

«ҚАЙСАРНИНГ ҚУЮЛИШИ» — **Дружба** (телефон 66-15-75).

20 МАРТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СПАРТАК» — **Санъат саройи** (катта зал, телефон 44-21-44), **Чайка** (10, 13.30, 17, 20.30, телефон 77-06-20), **Нунус** (10.40, 14, 17.15, 20.30, телефон 46-46-55), **Ватан** (11, 14.30, 17.30, 21.00).

«СЕВГИ ХАСТАЛИГИ» — **Санъат саройи** (кичик зал), **Ҳамза номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 91-10-51).

«МУВАФФАҚИЯТ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ҲАМ ҲАЁТ, ҲАМ КЎЗ ЕШИ, ҲАМ СЕВГИ» — **Фестиваль** (тоқ соатларда, телефон 32-78-02).

«СЕВИШ ВАҚТИ КЕЛДИ» — **Қозоғистон** (катта зал, 11, 14, 17, 20.00, телефон 35-24-92), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (11, 13.30, 16, 18.20, телефон 33-44-52).

«ТҮРТ МУШКЕТЁР» — **Қозоғистон** (кичик зал, 12, 15, 18, 21.00).

«ҚОНДОШ РАҚОБАТЧИЛАР» — **К. Ёрматов номли** (жуфт соатларда, телефон 24-22-66).

«ҚАЙСАРНИНГ ҚУЮЛИШИ» — **Дружба** (телефон 66-15-75).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТЕЛЕФОН АППАРАТЛАРИНИ РЕМОНТ ҚИЛИШ УСТАХОНАСИ **қуйидаги адресга КЎЧИБ ЎТДИ:**

Тошкент шаҳри, 105-алоқа бўлими, Манжара кўчаси, 6-уй (5, 26-трамвайлар; 22, 26, 12, 37э, 55, 68, 80-автобусларнинг «Қорасув» бекати). Телефон 91-68-88.

Ўзбекистон ССР Геология министрлиги

«Ўзбекгидрогеология» ишлаб чиқариш бирлашмаси

ГИДРОИНГЕО ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

тадқиқотларнинг математик методлари лабораторияси **катта илмий ходими.**

Конкурс муддати — 26 мартгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700041, Тошкент шаҳри, Морозов кўчаси, 64-уй.

ДОИМИЙ ИШГА

бухгалтерлар, полиграфия ускуналарини созловчилар, автоэлектрик, электр пайвандчи, газлаштирилган қозонхоналарнинг операторлари, аккумуляторларни зарядловчи, слесарь-сантехниклар, ишлаб чиқариш биноларининг фаррошлари, машинистка, курьер

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41-уй, кадрлар бўлими.

Киров районидаги Олег Кошевой номли 70-мактаб томонидан **Қодиров Абдуманнон** номига берилган 657196 номерли йўқолган

8-СИНФНИ ТУГАТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти коллективи гараж мудири О. Юнусметовга отаси

Шонарим ЮНУСМЕТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТВ

сешанба

19 МАРТ

● МТ I

18.20 И. Брамс. Квартет.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Шу куннинг почтаси».
20.10 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм премьераси. 1-фильм. — «Арафада».
21.30 «Время».
22.05 «Рассом дераза-си». Ҳужжатли фильм.
22.15 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Сокол» — МАСК. 2- ва 3-даврлар. Танаффус пайтида (22.50) — «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.

18.45 «Лицедей». Фильм-концерт премьераси.
19.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.00 «Музикали киоск».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Қор одам». Мультфильм (ПХР).
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Қолган бутун умр мобайнида». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм 1-серия.
23.15 «Жаҳон халқларининг ижоди».

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Қўён магнитофон топиб олди». Қўғирчоқ фильм.
18.30 «Тенгдошларинг ижоди».
19.00 Қизичбозлик. ЎзССР Министрлар Совети совғини учун XII Бутуниттифоқ мусобақалари. (Репортаж, ёзиб олинган).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ярқирама тошлар». Манзарали фильм.
20.00 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига Ғ. Ғулом «Ғолиблар байрами».
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Турғунбоева номидаги хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» рақс ансамбли ижросида жаҳон халқларининг рақслари.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бригада пудратига кенг йўл».
22.25 Н. Думбадзе. «Абадият қонуни». Телеспектакль. 2-қисм.
23.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. Оила ҳуқуқи.
18.30 «Уйинг сенга азиз бўлса». Ҳужжатли фильм (рус.).
19.55 Тошкент янгиликлари.
20.15 «Жанговар йиллар хотираси». Кинокўрсатув.
21.00 «Бизнинг бош мухбиримиздан» (рус.).

чоршанба

20 МАРТ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм. 1-фильм —«Арафада».
10.55 «Ўсмирлар ижоди».
11.20 «Саёҳатчилар клуби».
12.20 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Телефильмлар: «Ҳовли тўйи» (Тошкент). «Ким жавобгар».
16.05 «Стадион ҳамма учун».
16.40 «БАМ қурилиши давом этади».
17.00 «Пионерия». Киножурнал.
17.10 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
17.40 «Биргаликда аҳил оиламиз».
18.00 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
18.45 «Сиз яратган боғ».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.35 «Атайлаб». Телевизион мультфильм премьераси.
19.45 Баскетбол. Кубок эгаларининг кубоги. Эркаклар. Финал. «Жальгирис» —«Барселона» (Испания) 2-тайм. Франциядан олиб кўрсатилади.
20.25 Театр ва замон. «Москва меҳмонлари».
21.30 «Время».
22.05 Футбол. Европа чемпионларининг кубоги 1/4 финал. «Днепр» (Днепропетровск) «Бордо» (Франция). Кривой Рогдан олиб кўрсатилади.
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «20 микрон бўшлиқ». Илмий-оммабоп фильм.
9.35, 10.35 Астрономия. 10-синф.
10.05, 13.25 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.35, 12.40 Тарих. 9-синф.
12.05 «Фан ва турмуш».
13.10 «Йўлсиз жойда». Илмий-оммабоп фильм.
13.55 «Қишлоқ янгиликлари».
14.55 Драматургия ва театр. «Владимир Маяковский театри». 2-серия.
16.10 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Оталар нуқтаи назаридан». Телефильм.
19.15 «Святослав Рихтер хроникалари». Телефильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Мяу деган ким?». Мультфильм.
20.45 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
21.30 «Время».
22.00 «Қолган бутун умр мобайнида». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Олис юлдуз шуъласи». Бадиий фильм. 2-серия.
11.30 Физика. Ёруғликнинг квант назарияси.
12.00 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш.
12.30 Химия. Силикат саноати.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун «Светофор».
18.45 «Янги анъаналар ва урф-одатлар— турмушга!»
19.15 «Мустаҳкам озуқа базаси учун».
19.30 «Ахборот» (рус.).
20.15 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Созандалар ҳақида ҳикоялар». Еш ижрочилар II республика конкурси лауреати Т. Ражабов.
21.30 Москва. «Время».
22.00 Ягона сиёсий кун: тарихнинг қаҳрамонона саҳифалари.
22.25 Н. Думбадзе. «Абадият қонуни». Телеспектакль. 3-қисм.
23.50 Янгиликлар.

● УзТВ II

17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 Биология. Генетикадан масалалар ечиш.
18.30 Адабиёт. Бутуниттифоқ ижодлар конкурси. «Мен тинчлик учун овоз бераман» (рус.).
19.00 И. С. Бахнинг 300 йиллигига. Музикали кўрсатув.
19.55 Тошкент янгиликлари.
20.15 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Халқ жасорати саҳифалари». (такрорий, рус.).
21.00 «Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш— умумхалқ иши».

---

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

19 МАРТ, 1985 й.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ [«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»]

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,

ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—12143. Индекс 64690. А-2077. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.